**Da'vat**

**Доно ўзгаларни ўз билимидан баҳраманд этмоғи зарур.**

**«Авесто»дан**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 7 ноябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 88 (7387)

**Ibrat**

***Республика болалар бадиий ижодиёти марказининг тасвирий санъат тўгараги аъзоси, ўн тўрт ёшли Баҳриддин Шамсиддинов чизган “Ҳосил” сурати Ҳиндистонда ўтказилган нуфузли халқаро “Шанкар” танловининг бу йилги ғолиби деб топилди.***

# ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛНИ УЛУҒЛАГАН КИТОБ

**3 ноябрь куни Урганчда «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

Қутлуғ кунларимизнинг шукуҳидан далолат бўлган ушбу байрамга тайёргарлик жараёнининг ўзи ҳам халқимиз табиатига хос байрамона тарзда олиб борилди. Ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими эса бу байрамнинг энг юқори чўққиси бўлди. Шодиёнага ташриф буюрган одамларнинг кайфияти, улар чеҳрасида намоён бўлиб турган кўтаринки руҳдан бугунги кунимизга шукроналик туйғуларини сезиш қийин эмас.

Бундан қарийб уч минг йил илгари яратилган «Авесто» яхшилик ва ёмонлик, раҳмдиллик ва ёвузлик, билим ва жаҳолатнинг инсоният тараққиётидаги ўрнини кўрсатиб берган буюк китобдир. У халқимиз илдизлари, давлатчилигимиз асослари қадим тарихга бориб тақалишидан, аждодларимизнинг юксак маънавиятидан далолат беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ушбу нодир китоб айни замонда бу қадим ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат ҳисобланади.

«Авесто» «Ҳаёт йўриқномаси» деган маънони беради. Ҳақиқатан ҳам, минг йиллар давомида бу китоб инсон ҳаёт тарзининг ўзига хос йўриқномаси бўлиб келган. У кишиларни эзгуликка, яхшиликка, бунёдкорликка, илм олишга чорлаган, ёвуз кучларга, жаҳолат ва ёмонликка қарши курашишга даъват этган. Бу китобни башарият тарихида жуда катта ўрин тутган энг қадимий ёзма ёдгорликлар қаторида кўрсатиш мумкин. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, ахлоқий-фалсафий қарашлари, давлатчилик асосларини бир тизимга солиш нуқтаи назаридан олиб қараганда «Авесто» қиёси йўқ асардир.

«Авесто» инсоният тараққиётида муҳим ўрин тутувчи китоблардан бири ҳисобланади. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЮНЕСКО томонидан ушбу китоб яратилганининг 2700 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш тўғрисида махсус қарорлар қабул қилингани бугунги кунда ҳам «Авесто» башарият маънавий-маданий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолаётганидан далолат беради.

«Авесто»да айтилган кўпгина фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти ҳозир ҳам беқиёсдир. Масалан, уй қур, буғдой эк, юртга барака киради, дейилади ушбу китобда. Шунингдек, меҳнат билан ҳалол кун кўриш, жамиятнинг асоси саналмиш оиланинг муқаддаслиги билан боғлиқ тушунчалар китобда батафсил асослаб берилган.

«Авесто» неча-неча асрлик бўҳронлардан ўтиб бугунги кунимизгача етиб келди. Унда баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча-тасаввурлар нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Президентимиз айтганидек, шу маънода Урганчдаги тантаналар фақат Ўзбекистон халқининг эмас, башарият мулкига айланиб кетган «Авесто» китобини минг йиллар давомида авайлаб-асраган, ўқиб-ўрганган, унинг олижаноб ғояларига амал қилиб, уларни мағрибу машриққа ташвиқ этиб келаётган барча халқларнинг ҳам байрамидир.

Сўнгги йилларда олимларимиз, тадқиқотчиларимиз «Авесто»ни, ундаги бебаҳо фикр-мулоҳазаларни ўрганиш борасида самарали илмий изланишлар олиб борди. Бу изланишларнинг натижаси ўлароқ, «Авесто»нинг таржимаси амалга оширилди, мақолалар, монографиялар ёзилди. Уларда «Авесто»нинг жаҳон цивилизацияси ва умумбашарий маънавий тараққиётга кўрсатган улкан таъсири, мазкур бебаҳо ёзма ёдгорликнинг фалсафий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-тарихий талқинига оид долзарб муаммолар ҳақидаги янги фикр ва мулоҳазалар ўз ифодасини топди.

Олиб борилган тадқиқотлар мазкур китоб айнан ҳозирги Хоразм заминида яратилгани ва ягона тизимга келтирилганини кўрсатиб берди. Шу боис «Авесто»нинг 2700 йиллик тантаналари ўтказиладиган жой сифатида Хоразм заминининг танлангани табиийдир.

Ушбу шодиёналарга тайёргарлик жараёнида Урганчда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу ерда «Авесто» ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Мажмуа Шовот каналининг қирғоғида бунёд этилган бўлиб, 20 гектардан зиёд майдонни эгаллайди. Мажмуанинг асосий марказида меъморчилик композицияси бўй чўзиб турибди. Унинг баландлиги 18 метрни ташкил этади. «Авесто» китобини акс эттирган оқ мармардан ишланган ёдгорлик композициянинг таркибий қисмидир.

Урганч шаҳрининг маркази таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Йўллар, кўприклар қурилди, таъмирланди. Шовот канали қирғоғидаги кишининг ҳавасини келтирувчи хиёбон эса халқнинг кўнгил очиб, мириқиб дам оладиган масканига айланди.

«Авесто» ёдгорлик мажмуининг лойиҳасини хоразмлик архитектор Полвонназир Салаев ишлаган.

Давлатимиз раҳбари мажмуа билан танишар экан, бу ерда бунёд этилган ёдгорлик халқимизга буюк тарихини эслатиб туришга хизмат қилса, унинг атрофларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари юртимиздаги тинч ҳаётдан, халқимизнинг аждодлар ўгитига садоқатидан далолат эканини таъкидлади.

**(Давоми 2-бетда)**



## Президент Ислом Каримовнинг «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Аввало, кўҳна Хоразм диёрида, дунё маданиятининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сиз, азизлар билан кўришиб турганимдан ғоят мамнун эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Ўзининг бой ўтмиши, бетакрор маданияти, ўлмас қадриятлари, меъморий обидалари билан бутун оламда шуҳрат қозонган Хоразм замини кўплаб буюк воқеалар, қутлуғ байрам ва шодиёналарнинг гувоҳи бўлган.

Бугун биз барчамиз иштирок этаётган ушбу тантанали маросим ҳам қадимий Хоразм тарихи, Ватанимиз тарихи шонли саҳифаларга нечоғли бой эканидан яна бир бор далолат беради.

Ҳурматли дўстлар!

«Авесто», яъни «Ҳаёт йўриқномаси» деб аталган бу муаззам китоб хусусида сўз юритар эканмиз, аввало, унинг тарихи, бу мумтоз асарнинг аҳамияти, нима учун биз унга бу қадар катта эътибор бераётганимиз ҳақида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Аввало, қадим-қадимда, яъни бундан 30 аср муқаддам мана шу мўътабар заминда яшаган аждодларимизнинг ақл-заковати ва қалб қўри билан яратилган, ўн икки минг терига тилла суви билан битилган бу ноёб тарихий ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанча-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам.

Ушбу нодир китоб айни замонда бу қадим ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат бўлиб, минг йиллар, асрлар давомида авлод-аждодларимиз учун маънавий-руҳий таянч, чексиз куч-қувват манбаи бўлиб келган.

Шунинг учун ҳам, юнон босқини бўладими, араб истилоси бўладими — бу юртга кимки қилич кўтариб келмасин, биринчи галда мана шу нодир китобни йўқ қилишга, шу йўл билан халқни ўз тарихи ва хотирасидан жудо этиб, унинг иродасини синдиришга урингани бежиз эмас.

Бу қадимий ўлкаларга юриш қилган Александр Македонский ўттиз икки китобдан иборат бўлган ушбу улкан асарнинг асл нусхасини Юнонистонга юбориб, унинг тиббиёт, астрономия, фалсафага оид бобларини алоҳида кўчириб олгани, қолган қисмларини эса ёндириб ташлагани ҳам шундан далолат беради.

Айтиш мумкинки, шу тариқа «Авесто»да баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча-тасаввурлар нафақат Марказий Осиё ва Юнонистон, балки бутун Ғарб илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

Шу маънода, бугунги маросим, бугунги тантана фақат Ўзбекистон халқининг эмас, башарият мулкига айланиб кетган «Авесто» китобини минг йиллар давомида асраб-авайлаб, ўқиб-ўрганиб, унинг олижаноб ғояларига амал қилиб, уларни тарғибу ташвиқ этиб келаётган барча халқларнинг ҳам байрамидир, десак, асло муболаға бўлмайди.

Муҳтарам дўстлар!

Бу дунёда одам зоти бор экан, ҳеч шубҳасиз, у ўз аждодларининг олис кечмиши, турмуш тарзи, урф-одатлари, уларнинг қандай ҳис-туйғулар билан яшаганига қизиқиши, бу ҳақда тасаввурга эга бўлишга интилиши табиий, албатта.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз «Авесто» китобини бугунги кун учун ҳам ниҳоятда қимматли бўлган ана шундай нодир маълумотлар манбаи, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Айниқса, бу китоб аждодларимизнинг табиатга, еру сувга, қуёш ва ҳавога бўлган илоҳий муносабатини, ота-она ва фарзандга меҳр-оқибатини, уларнинг муқаддас тушунчаларини, ўз ерини кимлардан, қандай хавфу хатарлардан ҳимоя қилиб, жамоа бўлиб яшаганини — барча-барчасини мукаммал ёритиб бергани билан қимматлидир.

«Авесто» билан яқиндан танишар эканмиз, яна бир карра шунга иқрор бўламизки, бу мангу китобда ифода этилган буюк ғоялар, фалсафий ҳикматлар ўзининг ҳаётий мазмуни билан бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиради.

Бу ҳақда гапирганда, мен, аввало, «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мухтасар қилиб айтганда, агар инсоннинг мақсади, фикри эзгу бўлса, сўзи самимий ва ҳаққоний бўлса, ҳаракат ва интилишлари изчил ва қатъий бўлса, ҳар бир ишининг натижаси хайрли бўлиши муқаррар, дея талқин қилинади «Авесто»да.

**(Давоми 2-бетда)**

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 ноябрь куни Оқсаройда АҚШ мудофаа вазири Дональд Расмфельдни қабул қилди ва учрашувда минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, хусусан, Афғонистондаги вазият, у ерда амалга оширилаётган аксилтеррор операцияси, шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида ташкил этилган Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилишида комиссия фаолияти таҳлил этилди.**

## JUMLADA JAHON

**● Қуддусда қуролланган шахслар йўловчи автобусини ўққа тутиши натижасида бир киши ҳалок бўлган ҳамда 30 дан зиёд одам жароҳатланган. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ҳаракатлар учун жавобгарликни “Ислом жиҳоди” гуруҳи ўз зиммасига олган.**

**● Кузатувчиларнинг фикрига кўра, Нью-Йорк шаҳри мэри лавозимига ўз номзодларини қўйган Майкл Бломберг ва Марк Гринлар сайловлар олдидан деярли бир хил натижага эга бўлганлиги боис номзодни аниқлашда шаҳарлик қора танлилар овозлари кўпроқ аҳамият касб этар экан.**

## ВОҚЕАЛАР СИЛСИЛАСИ

● АҚШ Мудофаа вазирлиги хабарига кўра, ҳаво зарбалари толибларга етарлича зарар келтирган. Пентагон вакили, контр-адмирал Жон Стаффблимнинг айтишича, толибларнинг аксар позициялари тор-мор этилган. Улар қаршилик кўрсатишга қодир эмас ёки толиблар ушбу позицияларни тарк этишга мажбур бўлганлар.

**● Кеча Франция президенти Жак Ширак Қўшма Штатлар президенти билан Вашингтонда терроризмга қарши кампанияни қўллаб-қувватлаш юзасидан музокаралар ўтказди. Франция президенти 11-сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШга борган биринчи давлат раҳбари бўлди.**

● АҚШ Афғонистондаги Шимолий иттифоқ билан алоқалар бўйича махсус вакил тайинлади. Ушбу вазифани эгаллаган Жеймс Доббинсга Шимолий иттифоқ ва бошқа оппозицион гуруҳларга Афғонистоннинг бўлғуси ҳукуматини шакллантиришда ёрдам бериш юкланилди.

**● Жума куни Нью-Йоркда АҚШ, Россия ҳамда Афғонистон билан чегарадош тўрт давлат дипломатлари иштирокида кенгаш бўлиб ўтади.**

● Ҳиндистон Бош вазири Атал Бехари Важпаи кеча Россия Президенти Владимир Путин билан учрашиб, томонлар терроризмга қарши кураш ҳамда Афғонистонда толибонлардан сўнг бўладиган ҳукумат схемаси масалаларини муҳокама қилишди.

# «ОДИНА»НИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

**мактабда бошланган ташаббус мамлакат миқёсида эътироф этилди**

**Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti**

Биз кўп ҳолларда ўз истеъдодимиз ва иқтидоримизни юзага чиқариш мақсадида шаҳар томон интиламиз. Ҳали 30 ёшга ҳам кириб-кирмаган, Шаҳрихон туманидаги 29-ўрта мактабда ўқувчи-ёшлар учун тикувчилик тўгараги очиш билан ўз фаолиятини бошлаган қишлоқнинг оддийгина чевар қизи Одинахон Отахонованинг бугунги кунда эришган ютуқларини кўриб, ҳақиқий иқтидор, ҳақиқий истеъдод ҳеч қачон жой танламайди, деган фикрга амин бўламиз.

Одинахон Отахонова мактабда меҳнат таълимидан сабоқ бериши билан бирга ўз тенгдошларига тикувчилик сирларини ўргата борди. Ҳаваскор тикувчиларнинг илк тиккан кийимлари мактаб ўқувчиларининг либослари бўлди. Мактаб қошида очилган тўгарак иштирокчилари тиккан бежирим ўқувчилар либослари туманда кўпчиликда қизиқиш уйғотди. 1997 йили ўқувчилар либослари кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида Одинахоннинг тўгараги аъзолари фахрли биринчи ўринни эгалладилар.

Танловнинг республика босқичида эса Одинахон ва унинг шогирдлари андижонликлар шарафини муносиб ҳимоя қилиш билан бирга бошқа вилоятлардан ҳам буюртмалар олишга эришишди. Албатта, бошланган ташаббус ўз кўлами билан энди мактаб доирасига сиғмай қолди. Энди Одинахонда хусусий фирма очиш, тадбиркорлик ҳаракатини янада кенгайтириш иштиёқи туғилди. Шундай қилиб 1997 йилда “Одина” хусусий фирмаси ташкил этилди.

2000 йил Одинахон учун ҳам, фирма учун ҳам омадли келди. У “Ташаббус” кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, танловнинг республика босқичида ғолиблар сафидан жой олишга эришди. Ўтган йиллар давомида фирма аъзолари ҳақиқий изланишлари боис синов босқичларидан самарали ўтишди. Бу ерда тикилаётган ўқувчилар либослари, болаларнинг қишки кийимлари, чармдан тикилган либослар ҳозирда вилоятда энг сифатли ва харидоргир ҳисобланади.

Одинахон яна бир хайрли ишга қўл урди. Яқинда у раҳбарлик қилаётган фирма қошида “Эзгу” деб номланган ишлаб чиқариш ва ўқув маркази очилди. Шуниси қувонарлики, жами 100 нафар опа-сингилларни иш билан таъминлайдиган ушбу марказга ҳозирданоқ ўнлаб қизлар ўқиш истагида келмоқда. Марказнинг очилиш маросими тантаналарида сўз олган республика бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова Одинахон каби ташаббускор ёшларимиз мамлакатимиз тараққиётига муносиб улуш қўшаётганликларидан қувониб сўзлади.

**О.СИДДИҚОВ**
**Андижон вилояти**

Талабалик имконияти 2-бет

“Ватан туйғуси” фани бўйича умумий ўрта таълим мактабларининг 5-6-синфлари учун ўқув дастури 3-бет

Кўз гавҳарини асранг! 4-бет

# ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

**“Ma'rifat” reydi**

*Илк совуқ кунлар ҳам бўлиб ўтди. Тошкентга биринчи қор ёғди. Бу билан табиат одамларни қиш яқинлашиб келаётганидан огоҳлантиргандек.*

*Фарғонада ёғингарчилик бўлиб турибди, шамол ҳам кишиларни соғинтириб қўймаяпти. Таълим муассасаларида эса қишки мавсумга дурустгина ҳозирлик кўрилди ва бу юмуш ҳозир ҳам давом эттирилаяпти.*

*Вилоятнинг Фурқат туманида 33 та мактаб ва 39 боғча мажмуалари бор. Ҳозиргача ўқув даргоҳларининг 17 тасида иситиш тизими табиий газ қувурларига уланган, халқ таълими бўлими муҳандиси Нўъмонжон Умаровнинг айтишича, йил охиригача яна учта мактабга “зангори олов” олиб кирилади. Келгуси икки йил бадалида эса мактабларнинг юз фоизидаги қозонхоналар газга мослаштирилади.*

*Мактабгача таълим муассасаларининг 14 тасига газ олиб кирилган, қолганларини ҳам шу йўсинда иситишга ўтиш учун ҳозирги кунларда молиявий имкониятлар қидирилмоқда.*

*Тумандаги 1-лицей-интернат биноси 1995 йилга қадар “Фурқат” ширкатлар уюшмасига қарашли эди. Бу ерда янги ўқув даргоҳи очилганидан кейин қайта таъмирланди. Томлардан чакки ўтишининг олди олинди. Мавжуд учта корпуснинг ётоқхона бўлимидаги тарновлар бу йил қайтадан сувалди, томлар кўрикдан ўтказилди. Хоналар батарея билан иситилади, қозонхона газга уланган.*

*Жонкетмон қишлоғидаги “Юлдуз” боғчаси ҳам газ билан иситилади, лекин ҳовлида қарийб 10 тонна кўмир ҳам жамғарилиб, усти сомон лой билан сувалган. Бошқа қатор мактабгача таълим даргоҳларида ҳам ана шундай ,далилни учратиш мумкин. Нега? Ҳарҳолда, озиқли от ҳоримас, дейдилар.*

*Туман бўйича 16 та мактабнинг қозонхоналарида кўмир ёқилади. Аммо уларнинг аксарияти, ҳаво совиб кетганига қарамай, ҳалигача ёқилғи ашёси билан тўлиқ таъминланмаган. Мисол учун, 19-мактаб тақсимот бўйича 100 тонна кўмир олиши лозим, ҳозиргача эса 38 тонна келтирилган. 22-мактаб ҳам 100 тонна ўрнига 35 тонна кўмир олган, холос. Мазкур ўқув даргоҳининг томлари 8 йилдан буён ўқитувчи-ўқувчиларнинг ҳашар усулидаги меҳнати билан сомон сувоқ қилинарди. Икки қаватли, замонавий зиё масканининг плита томлари устини сомонли лой билан суваш мантиққа тўғри келмайди, албатта. Лекин, кўрпага қараб оёқ узатилар экан-да. Ана шундай усулнинг қўлланишига сабаб, маблағ етишмаслигида.*

*Ўтган ёз мавсумида мактабнинг бутун жамоаси каттагина ҳажмдаги томларни тупроқдан тозалади, маблағ топилгач эди-да, томларга қайтадан сақич-битум қуйилди. Натижада, ҳозирга келиб бирорта хонага чакки ўтмайдиган бўлди.*

*Таълим муассасаларига жорий йилда жами 1750 тонна кўмир тарқатилиши лозим эди, ҳозиргача эса 1176 тонна келтирилди. Сабаби...*

**(Давоми 2-бетда)**

*Лекин «Лазги»ни бошқа бирон-бир киши Хоразмнинг йигит-қизлари, ҳатто кекса чоллари, ёшуллиларига ўхшаб мана шундай маҳорат билан ижро қилиши мумкинми?*

*Қишки мавсумга тайёргарлик масаласини олиб кўрсангиз, баъзан оддий, кўп ҳолларда жиддий муаммоларга дуч келаверасиз.*



# ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛНИ УЛУҒЛАГАН КИТОБ

## Президент Ислом Каримовнинг «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳақиқатан ҳам, бу чуқур маъноли, ҳаётий сўзларнинг мазмунига яна ва яна бир бор эътибор берсак, аждодларимизнинг минг йиллар олдин айтган мана шундай ўгитлари бугунги кунда ҳам нақадар долзарб ва таъсирчан эканини яққол англаш мумкин.

«Авесто» китобида мужассам топган ғоя ва фикрлар ҳақида гапирар эканмиз, уларнинг нақадар чуқур мазмунга эгалиги ва ўзининг абадийлиги билан, бу асарда, аввало, табиатга муносабат, табиатга ҳурмат туйғуси, борлиқ оламнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, табиат ва инсон уйғунлиги, атроф-муҳитни сақлаш ва асраш одамзотнинг энг асосий вазифаси экани тасвирлаб ва исботлаб берилгани билан бугунги кунда ҳам ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради.

Шундай олис даврларда ҳам аждодларимиз ўз яқинлари, оиласига меҳрибонлик кўрсатиб, бир-бирига елкадош бўлиб, бошига тушган синов ва ҳаёт бўронларини биргаликда енгиш каби фазилатларни улуғлаб, уларга амал қилиб яшаганидан таъсирланади киши.

Ҳурматли ватандошлар!

«Авесто»дай мумтоз асарнинг айнан Хоразмда, бизлар бугун тўпланиб турган мана шу заминда дунёга келиши тарихий нуқтаи назардан ҳам, маънавий нуқтаи назардан ҳам, ҳаётий нуқтаи назардан қараганда ҳам табиийдир.

Негаки, бугунги ҳаётимизнинг барча қатламларига хос, халқимиз муқаддас деб биладиган, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда анъанага айланиб қолган, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган, ҳозир ҳам турмушимизда ҳукм сураётган урф-одатларнинг маъно-мазмунига чуқур эътибор берсак, уларнинг «Авесто»да акс этган тушунча ва қадриятлар билан бениҳоя уйғунлигининг гувоҳи бўлишимиз муқаррар.

Бунинг тасдиғини кўпгина мисолларда кўришимиз мумкин.

Хоразм воҳасининг мураккаб табиати, қишининг изғирини, ёзининг жазирама иссиғи, қаттиқ шамоллари, оғир тупроқ шароити барчамизга яхши маълум.

Мана шундай синовларга бардош бериб, шу заминнинг ҳар бир қаричини ўзига азиз билиб, шу юртни гуллатиб-яшнатаётган фидойи инсонларнинг меҳнатига қойил қолади киши.

Ҳақиқатда ҳам, мана шундай шароитда нафақат мўл ҳосил етиштириб, балки деҳқончилик маданиятини ҳам юксак даражага кўтариб келаётган деҳқонларни ҳақиқий қаҳрамонлар десак, бундай баҳо ортиқча бўлмас.

Лекин мана шу тупроқда мураккаб табиий шароит қийинчиликларига чидаб, уларни енгиб яшайдиган инсонларга дунёнинг энг гўзал ўлкаларини мақтаб, Хоразмни ташлаб, ўша жойларга бориб яшайсанми, деб сўраса, ишончим комилки, уларнинг барчаси хоразмча қилиб «йўқ, бармийман», дейди.

Ва ҳеч қандай тарғибот-ташвиқот билан, алдов-сулдов билан уларни бу фикридан қайтариб бўлмайди.

Мана сизларга ўз юртини севиш, ўз юртини ардоқлаш, ўз юртига садоқат билан яшаш.

Шунинг учун ҳам Хоразм аҳлининг юрак-юрагига сингиб кетган «Ёт элларнинг боғи билан боғчаси Хоразмнинг янтоғича кўринмас», деган халқ қўшиғи мана шу садоқат туйғусининг ҳаққоний ифодаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Агар биз Хоразмнинг шонли ўтмишини кўздан кечирсак, ватанпарварлик ва юртга садоқат, ботирлик ва фидойилик сингари ўлмас қадриятларнинг илдизи бевосита «Авесто» заминидан қувват олишини кўрамиз.

Ахир, азиз дўстлар, ўзингиз айтинг, ёвга қарши мардона жанг қилиб, қўлида байроқ билан жон берган Нажмиддин Кубро шу юртнинг фарзанди эмасмиди?

Паҳлавонлар пири деб шуҳрат қозонган, кураш майдонларида кураги асло ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуд ҳам мана шу замин фарзанди эмасмиди?

Дунёнинг қарийб ярмини эгаллаган мудҳиш Чингизхон лашкарига қарши ўн бир йил давомида муттасил қаҳрамонларча курашган Жалолиддин Мангуберди шу замин ўғлони эмасмиди?

Биз Хоразм элининг мана шундай буюк сиймолари ҳақида гапирар эканмиз, ўзимизга бир савол беришимиз табиий. Жалолиддин Мангуберди жанг майдонида ёлғизмиди?

Агар у ёлғиз ботир бўлганида, душманга қарши кўксини қалқон қилиб қанча курашмасин, Чингизхондай даҳшатли ёвни енгиши мумкинмиди?

Йўқ, у ёлғиз эмас эди, фақатгина минг-минглаб мангубердилар қаторида саркарда Жалолиддин бўлиб майдонга чиқиши мумкин эди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай ботирларни шу ерда яшаётган одамларнинг ўз юртига оташин меҳри, букилмас иродаси, мустаҳкам иймон-эътиқоди камол топтириши, бир сўз билан айтганда, бундай қаҳрамонларни фақат ана шундай фазилатлар соҳиби бўлган халқ тарбиялаши, вояга етказиши мумкин.

Ва бундай халқни ҳеч ким, ҳеч қачон ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди, бундай халқ ҳеч кимга бош эгмайди ва ўз буюк мақсадларига албатта етади. Бунга ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Азиз ҳамюртлар!

Бугун «Авесто» китобида мужассам этилган, бизга қутлуғ мерос бўлиб келаётган мана шу ер, мана шу табиат хусусиятлари ва хосиятлари ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, одамзот ҳаётининг узвий қисмини ташкил этадиган маданият ва санъат хусусида гапирмасдан ўтолмаймиз.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос қиёфасини белгилайдиган, унинг бетакрор хусусиятларини ёркин ифода этадиган маданият ва санъатда халқнинг тарихи ва ўлмас руҳи намоён бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам замирида асрлар қаъридан келаётган «Авесто» оҳанглари мужассам бўлган Хоразм элининг санъати бутун дунёда шуҳрат қозонган.

Узоққа бормасдан, Хоразмнинг машҳур «Лазги»сини олайлик.

Бу ҳаётбахш қўшиқни эшитган одам жойида тинч ўтиролмайди, албатта беихтиёр ўрнидан туриб ўйинга тушиб кетади.

Лекин «Лазги»ни бошқа бирон-бир киши Хоразмнинг йигит-қизлари, ҳатто кекса чоллари, ёшуллиларига ўхшаб мана шундай маҳорат билан ижро қилиши мумкинми?

Ишонч билан айта оламанки, асло, йўқ.

Сизлар бир-бирингизга «Лазги»га ўйнаб баринг», деб бежиз айтмайсиз, чунки яхши биласизларки, уни ҳеч ким сизлардай ҳаммани лол қолдириб, боплаб ижро этолмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун маънавий ҳаётимиздаги ушбу улуғ санани узоқ-яқиндан келган азиз меҳмонлар иштирокида, халқаро миқёсда нишонлар эканмиз, биз тарихимизни, унинг ёрқин саҳифаси бўлмиш «Авесто»ни қандайдир кўз-кўз қилиш ниятидан йироқмиз.

Биз учун «Авесто» китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, нафақат миллатимизнинг ва унга хос бўлган қадриятлар ва маданиятнинг томири минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий ҳужжат сифатида қадрлидир.

Бу бетакрор асарнинг биз учун аҳамияти — аввало унинг олис-олис даврларда ҳам халқимизнинг миллий хусусиятлари ва фазилатлари, умумбашарий қадриятлар билан доимо узвий боғланиб кетганини исботлайдиган ҳаётбахш манба бўлгани учун ҳам қимматлидир.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун янги ҳаёт, янги жамият қуриш ва буюк келажак сари интилиб яшаётган эканмиз, мана шундай манбалар ўзлигимизни англашда, буюк тарихимиздан маънавий озиқ олиб, ғурур-ифтихор билан яшашимизда, эртанги кунга катта ишонч билан қарашга мустаҳкам замин яратади, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бугун мен мана шу минбардан туриб, сизларнинг очиқ чеҳрангизга қараб, кўнглимдаги бир гапни айтмоқчиман: биз мана шундай улуғ фазилатларга эга бўлган халқнинг фарзандлари эканимиз учун Яратганга шукрона айтишимиз, ҳаётдан рози бўлиб, эзгу инсоний қадриятларни ўғил-қизларимизга етказишимиз, уларнинг биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун интилишимиз, бунинг учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар қилишимиз зарур.

Қадрли ватандошларим!

Ушбу қутлуғ санага бағишлаб барпо этилган мана шу кўркам ва бетакрор ёдгорлик мажмуи Хоразм элининг, бутун халқимизнинг «Авесто» сингари бетимсол тарихий обидаларни яратган буюк аждодларимизга бўлган ҳурмат-эҳтироми рамзидир.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам боғ ва ёдгорлик мажмуини барпо этган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, муҳандису меъморларга, бу хайрли ишда сидқидилдан иштирок этган барча инсонларга самимий раҳмат айтаман.

Халқимизнинг жаҳон цивилизацияси, дунё илму фани ва маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини доимо эътироф этиб келаётган, бугунги байрамни халқаро миқёсда ўтказишга қарор қилган ЮНЕСКО ташкилотига, авестошунос олимларга, ушбу тантананинг барча иштирокчиларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик изҳор этаман.

Ва яна бир бор, мана шу майдонда тўпланиб турган сиз азизлар орқали барчамизни вояга етказган, барчамизга куч-қувват бераётган халқимизга чин қалбимдан таъзим қилмоқчиман.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом Каримов мажмуа билан танишиш жараёнида хоразмлик бир гуруҳ ёшуллилар билан суҳбатлашди. Оқсоқоллар бугунги кунда нафақат хонадонларимизда тўй-ҳашамлар бўлиб ўтаётгани, балки шундай катта тантаналар уюштирилаётгани, аввало, давлатимиз раҳбарининг одил ва тўғри сиёсати натижаси эканини таъкидладилар. Ёшуллилар тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, халқимизнинг бунёдкорлик ишларига бошқош бўлгани учун юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Ён-атрофимиздаги нотинчлик халқимизни тинч ҳаётдан, яратувчанлик кайфиятидан айро этолмаслигини Урганчдаги улкан тантаналар яна бир бор намоён этди. Шодиёнага тўпланганлар юзидаги хуррамлик, чеҳраларидаги ёруғ кунлар бардавомлигига ишонч элимиз ўзининг бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда яхши ҳордиқ чиқаришга ҳам вақт топаётганини кўрсатиб турибди.

Биз маросимга ташриф буюрганларнинг айримлари билан суҳбатда бўлдик.

**Вера Пак — Ўзбекистон Қаҳрамони, Хивадаги 20-сон «Меҳрибонлик уйи» директори:**

— Бугунги ажойиб байрамга мен қалбимда мамнунлик билан ташриф буюрдим. Президентимиз Ислом Каримовнинг Хоразм элига ташриф буюриб, тантаналарда бевосита иштирок этаётгани бизнинг ўз куч-қудратимизга ишончимиздан, осойишталигимиз барқарорлигидан нишонадир. Урганчда барпо этилган ажойиб ёдгорлик мажмуи эса, аввало, халқимизга, инсонларга хизмат қилади.

Бугунги байрамни мамлакатимиздаги барча миллатлар бирдек тантана қилмоқда. Албатта, бу давлатимиз раҳбари олиб бораётган одилона сиёсатнинг натижасидир. Юртимизда байрамлар бир-бирига уланиб кетмоқда. Вазиятдан фойдаланиб, Мустақилликнинг 10 йиллик байрами арафасида менинг камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотлагани учун Президентимизга миннатдорлик билдирмоқчиман.

**Азимбой Саъдуллаев — академик:**

— Бутун башариятнинг беқиёс маънавий мулки бўлган «Авесто»ни ўрганиш борасида юртимизда улкан ишлар қилинаётгани, бунга шахсан Президентимизнинг ўзлари катта эътибор бераётгани барча қатори биз олимларнинг ҳам кўнглини шод этмоқда. Юртбошимизнинг илм-фан тараққиётига эътиборини фақат қадим меросимизни ўрганишгагина эмас, замонавий фанларни ривожлантириш жабҳасида ҳам чуқур ҳис қилиб турибмиз. «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган бугунги тантаналар маданий-маърифий, маънавий камолотимиз сари ташланган қадамларимизнинг узвий бир қисми ҳисобланади. «Авесто»дай ноёб китобни ўқиб-ўрганиш халқимизнинг бой тарихи, давлатчилик асослари, урф-одатлари, қадриятларини англашда жуда қўл келади.

**Собиржон Маҳмудов — Хива шаҳар «Сангар» фуқаролар йиғини раиси:**

— Урганчда ўтаётган байрам тантаналари юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сураётганини кўрсатиб турибди. Халқимиз бунёдкорлик, яратувчанлик, тинч ҳаёт йўлидан оғишмай бораверади. Чунки бизнинг тарихий илдизларимиз бақувват, элимизнинг ўз осойишталигини сақлашга бўлган матонати мустаҳкам.

Бундай шукроналик сўзларини тантана иштирокчиларининг ҳар биридан, қолаверса, барча юртдошларимиздан эшитиш мумкин. Бинобарин, тинчлик, осойишталик мавжуд бўлган юртгагина тўй-томоша ярашади, кўнгилга сиғади. «Авесто» байрами, унда қатнашган ватандошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари билдирган қалб сўзлари, эътирофлари буни яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Тантанали маросимдан сўнг театрлаштирилган байрам томошалари ўтказилди. Санъаткорлар «Авесто»нинг тарихимизда тутган ўрни ҳақидаги, ундаги эзгу амалларни ифодаловчи лавҳалар намойиш этдилар.

Ҳақиқатан ҳам, бундан минг йиллар илгари «Авесто»да баён қилинган эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал тамойили бугунги кунда ҳам халқимизнинг эзгу мақсадларига мос келади.

**Анвар КАРИМОВ, Темур ШАМАКОВ, ЎзА мухбирлари**

# ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

*— Кўмирлар вақтида етказиб берилмаяпти, —дейди муҳандис. — Лекин бугунги кунда ҳам биз ёқилғи ашёсини олиб турибмиз. Ноябрь охиригача бу муаммо ҳал этилиши мумкин.*

*Таълим муассасаларида жамғарилган кўмирларни кўздан кечирганимизда, уларнинг майдалик миқдори юқори эканлигининг шоҳиди бўлдик. Боиси — кўмир конларидан ёқилғи ашёси қандай юборилса, шундайлигича мактабу боғчаларга тарқатиляпти. Шу ишга мутасаддиларнинг айтишича, "Борига барака берсин, шикоятдан не фойда?".*

*Тумандаги таъмирга муҳтож муассасаларни қишки мавсумга тайёрлаш учун 840 та шифер, 350 метр квадрат ойна жойларга тарқатилди. Аммо бу мавжуд муаммони тўлиқ ҳал этмайди. Агар маблағ етарли бўлса, 16,21, 28, 30-мактабларнинг ҳам томини капитал таъмирлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар ҳолда, шу каби ўқув даргоҳи жамоалари бино томларини ҳашар йўли билан суваб, чакки ўтишининг олдини олиб туришибди.*

*Фарғонанинг кўпгина туманларида бўлгани каби, Фурқат туманида ҳам таълим муассасалари учун яратилган қулайликлар талаб даражасида эмас. Электр токи ҳар куни бир неча марта узиб қўйилади (тежамкорлик экан!) Газ босимининг пастлиги учун таълим муассасаларининг газга уланганлари ҳанузгача истилгани йўқ. Қишнинг қировли кунларида ана шундай аҳволнинг юз бермаслиги, болаларнинг ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам таҳсил олишини давом эттиришлари, совқотмасликлари, шамоллаб қолмасликлари учун мактабларда кўплаб миқдорда ўтин жамғариб қўйилди.*

*Қишки мавсумга тайёргарлик масаласини олиб кўрсангиз, баъзан оддий, кўп ҳолларда жиддий муаммоларга дуч келаверасиз. Бу муаммоларнинг ечимини топиш эса кўпроқ туман ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят ҳокимлиги томонидан раҳбарликнинг нечоғли тўғри ташкил этилишига боғлиқ.*

**Аваз ҲАЙДАРОВ, «Ma'rifat»нинг махсус мухбири**



**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларимизга жуда катта имкониятлар яратиб берди. Мамлакатимиз ёшлари ўз иқтидорларини, истеъдодларини нафақат республикамизда, ҳатто чет элларда ҳам намоён этмоқдалар. Бунинг учун эса ёшларимизга кекса авлод томонидан қаратилаётган юксак эътиборнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, юртбошимизнинг "Биз ўз фидойи фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этишлари учун қанот беришимиз керак", деган фикрлари ёшларимизга берилаётган эътибор ҳамда яратилаётган имкониятларнинг ёрқин намунасидир.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

# ЖАҲАННАМДАН ЖОЙ ҚИДИРГАНЛАР

Ҳамон хаёлимдан кетмайди. 16 февраль, Тошкент воқеалари. Жирканч террорнинг қонли излари. Тул қолган келинчаклар, болам дея бўзлагн оналар, кўксидан юрагини юлиб олган мисол ўксиб-ўксиб йиғлаган оталар... Оталарки меҳнат қаддини эголмаган, дард уни енголмаган, аммо фарзанд доғи... Ич-ичидан емирган. Э-воҳ, номи ўчсин, бу террорнинг.

Менга сир эмас. Бизга сир эмас. Террор нима? Террорчи ким? Негадир бепарво қўл силтаймиз, холос... Бепарволик эса фақат кулфат келтирган. 11 сентябрь Америка фожеаси, бепарволик фожеаси, балким лоқайдлик оқибатидир. Сўзларимни эшитиб, ҳиссиётга берилибди деманг, бу ҳиссиёт эмас, бу айни ҳақиқат. Юртбошимиз бундан бир неча йил олдин бугунги кунда бўлаётган воқеаларни келтириб чиқарган ёвуз кучлар мавжудлиги ва уларга қарши курашмоқ лозимлигини қайта-қайта уқтирган эди. Афсуски, хом сут эмган бандамиз, шунча огоҳлантиришлару ҳушёрлик учун қилинган даъватларга бепарволик билан қарадик, холос. Фақат биз эмас, шу жумладан, жаҳон ҳамжамияти ҳам. Одамзотга хос ғалати одатлардан бири шуки, қачон пешонаси тошга тегмагунча, у ишонмайди. Мана, ниҳоят бош тошга ҳам тегди, қон ҳам тўкилди. Жаҳон ҳамжамияти Америка воқеасидан сўнг, терроризм деб аталмиш, дунё танасига тушган касалга фақат битта давлат бас кололмаслигига тушунди. Унга қарши бир тану бир жон бўлиб курашиш кераклигини англаб етди.

Ва ниҳоят тинчлик учун кураш бошланди. Ва ниҳоят улкан жиноятчиликка нуқта

**Munosabat**

қўядиган пайт келди. Бундай пайтда эса эзгулик курашчиларини қўллаб-қувватламоқ керак. Тулки йўлбарс терисини ёпингани билан, барибир тулки бўлиб қолавергани каби, у дин ниқобида бўладими, сиёсат кўланкасидан паноҳ топадими, терроризм барибир терроризм бўлиб қолаверади. Бегуноҳ одамларнинг тўкилган қони, Ватанидан айрилганларнинг оҳу воҳи уни барибир фош қилаверади.

Терроризм жаллодларига террор нима берди?

Ватангадолик, одамкушлик, хавфу хавотир, улкан гуноҳлару мислсиз азоб-уқубат. Қутирган ит ўзини-ўзи тишлаб, юлиб ҳалок қилади. Кимни чақишини билмаган чаён эса, охир-оқибат ўзига-ўзи ниш уради. Террорчилар ўзига-ўзи ҳукм ўқиди. Жаҳон жамоатчилиги нафратига гирифтор бўлиш, инсон танасининг сўнги манзили бўлган, бир қулоч лаҳад ҳам насиб этмаслик, энг муҳими жаҳаннам азоби уларнинг ажри бўлиши ҳақидаги ҳукм эди бу ҳукм. Ҳукм эса ижро этилмоқда. Террор жабрини тортганлар эса, уни қўллаб-қувватлайди. Бизга тинч қўшни керак. Қачонгача энди нима бўлар экан деб, қўшни ҳовлига олазарак қараб яшаймиз. Ҳолбуки, қўшни ҳовлида унинг хўжайини мутлақо ёт кишилар бўлса, не ажаб.

Терроризм борасида биз жаҳон ҳамжамияти билан ҳамфикрмиз, Президентимиз баёнотини эса қўллаб-қувватлаймиз. Кўр ҳассасини бир бора йўқотади. Терроризм бизнинг бошимизга солган кулфатлар, қайта такрорланмасин. Ўз хатти-ҳаракатлари билан жаҳаннамдан жой қидираётганлар бизнинг тинч ҳаётимизга раҳна солмасин. Ҳеч қайси она болам деб бўзламасин. Ўзбек аёлининг, муштипар онанинг орзуси шу.

**Озода ЭШОНХЎЖАЕВА, Тошкент Педагогика касб-ҳунар коллежи директори**

# ТАЛАБАЛИК ИМКОНИЯТИ

## ёхуд ундан унумли фойдаланишда олий ўқув юртининг ўрни қандай бўлиши керак?

***Ташкил бўлиш тарихи Ўзбекистон мустақиллиги билан боғлиқ олий ўқув юртларидан бири 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтидир. Бу даргоҳнинг юқори малакали шифокорлар тайёрлашдаги ўрни қандай бўлиши керак? Бунга институтнинг илмий салоҳияти етарлими? Умуман, миллий дастур талабларини бажаришга 2-ТДТИда қандай ёндашилмоқда?***

***Институт ректори, тиббиёт фанлари доктори Ҳомид Каримов шулар хусусида мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.***

**— Институтимиз ҳали жуда катта тарихий йўлни босиб ўтмаган бўлса-да, у тиббиёт соҳасига кадрлар тайёрлаш ва ривожлантиришда ўз ўрнини эгаллаб олди. У "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ижросини таъминлаш, халқ саломатлигини сақлаш ва етук мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, институтда, аввало, ўқув-услубий жараённи тўғри ташкил этишга катта аҳамият берилмоқда.**

**Ўтган 2000-2001 ўқув йилида кафедра жамоаларига таълим жараёнини ўзлари бошқариш ҳуқуқи берилди. Билим ва кўникмаларнинг кафедралар томонидан назорат қилиниши кутилган натижани бера бошлади. Ўқитиш сифати ва натижаларининг юқори бўлиши профессор-ўқитувчиларнинг изланиши, маҳоратларининг намоён бўлишига боғлиқ эканлиги аслида кундек равшан. Ҳозирги вақтда таълим 4 та йўналишда олиб борилмоқда: даволаш, стоматология, тиббий педагогика, олий малакали ҳамшира. Тиббиёт соҳаси беҳад мураккабдир ва у ҳамиша соғлиқни сақлаш, касалликларни турли усулларда даволаш масаласи билан шуғулланади, тадқиқотлар олиб боради. Тиббиёт бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ, талаба эгаллаши керак бўлган билимлар албатта, белгиланган ўқув-режа ва дастурлар орқали уюштирилади. Бу мавжуд 60 га яқин кафедралар ўқитувчилари томонидан талабаларга етказилади.**

**Ўқитиш жараёни сифати тўғридан-тўғри мавжуд ахборотлар базасига боғлиқдир. Барча кафедраларда уни бойитишнинг зарурий шарт-шароитлари яратилган, компьютер технологияларига эгамиз. Бу эса дарсларни жонли, қизиқарли материаллар билан таъминлашнинг муҳим омилидир. Тиббиёт соҳасига оид маъруза матнларидан аксарияти электрон шаклга солинган. Бунда тингловчи маърузани 85 фоиз кўриш орқали ўзлаштиради. Шу боис 5 та умумлаштирилган йўналишдаги маъруза матнлари қадимдан мавжуд бўлган "Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал" иборасига амал қилинган ҳолда тайёрланяпти. Клиника соҳаси бўйича ўқитиладиган фанларнинг маъруза матнларига алоҳида эътибор бериляпти, чунки у касбий характерга эга бўлиб, талабани мантиқий фикрлашга ўргатади.**

**Milliy dastur — amalda**

**Бугунги талаба йиллар ўтиб, мутахассис шифокорга айланади. Унинг аввало чуқур билимга, малакага, қолаверса, инсоний хислатларга эга бўлишига институт замин тайёрлайди. Бу йил бакалаврлик йўналишини 10 га яқин ихтисослик бўйича тамомлаган 265 нафар йигит-қизларнинг маълум қисми ҳозирда магистратура таълимини давом эттиришяпти. Агар 2000-2001 ўқув йилида магистратура мутахассисликлари 5 та бўлса, бу йил мутахассисликлар 10 тага кўпайтирилди: томирлар жарроҳлиги, офталомология, ЛОР, оила шифокори, неврология, патанатомия, коммунал гигиена, лаборатория иши, гастро-энтерология, жамият соғлигини сақлаш ва уни бошқариш. Магистратура таълимига 100 дан зиёд ёшлар жалб қилинган.**

**Чет эллардаги турдош олий ўқув юртлари билан ҳамкорлигимиз нафақат илмий-амалий жиҳатдан, балки кадрлар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш борасида ҳам яхши йўлга қўйилган. Кейинги йилларда 90 нафар ўқитувчи ва талабалар Испания, Финляндия, Польша каби давлатларда иш ўрганиб қайтишди, тажриба алмашишди. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти институтимизга 15772 нусхадаги юқори савияда нашр қилинган қиймати 503031 долларлик тиббий фанларга оид китобларни совға қилди.**

**Бугунги кунда чет давлатлар билан алоқаларимиз оила шифокори, жамият соғлигини сақлаш ва бошқариш соҳалари бўйича йўлга қўйилган. Бир қатор Европа давлатлари, жумладан, Франция, Германия, Польша ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларидан турли лойиҳаларда қатнашиш ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифлар олинди.**

**"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи бошланди. У қабул қилиниб, кучга кирганидан бери институтимиз профессор-ўқитувчилари ҳам ўз вазифаларини аниқ белгилаб олишган эди. Биринчи босқич базавий хусусиятга эга бўлиб, унда кейингиларининг ижросини таъминлашга нафақат ўқув-услубий, балки моддий жиҳатдан ҳам пойдевор қўйилди. Иккинчи босқичнинг шиори эса сифат учун курашдир. Сир эмаски, олий таълим муассасаларида ўқитиш услуби ва шакллари бир қадар янгиланаётган бўлса-да, ҳали ҳам сийқаси чиққан шаклдаги машғулотлар ўтказиляпти. Бундай ҳолат бизда ҳам учрайди. Бугунги кунда ўз устида ишламайдиган, бор билими ва малакаси билан кифояланадиган педагог рақобатга бардош бера олмайди. Педагоглик касбига қўйилган талаблар кўп ва бунинг барчасини киши ўзида мужассам этиши мушкулдир. Ҳеч бўлмаганда ҳар бир ўқитувчи бу касбнинг талаб ва тамойилларидан 70-80 фоизини эгаллаган бўлиши керак.**

**Мураббийларнинг талабалар билан ишлаш усуллари эскича қолмоқда. Ҳозирги талаба-ёшлар масалага янгича ёндашувни кутадилар, улар илгариги формал, номигагина ўтказиладиган тадбирларни қўллаб-қувватламайдилар. Демак, изланишимиз, уларнинг хоҳиш-иродаларини, ақлий заковатларини юзага чиқарадиган усулларни йўлга қўйишимиз талаб қилинади. Биз шуни тўғри англашимиз лозимки, талабалик имконияти уларга фақат бир марта берилади. Шу йиллар орасида олган назарий билимларини улар келажакда амалиётда қўллашади.**

**Миллий дастурнинг 2001-2005 йилларга мўлжалланган босқичи ҳар бир таълим муассасасидан, унда фаолият юритаётган мураббий ва педагогдан ишдаги сифат учун масъулликни талаб қиляпти. 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг кўп сонли жамоаси олдида ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар жуда кўп. Гап ана шу вазифаларни баҳамжиҳатлик билан ҳал қилишда эканини ҳис қилишимиз лозим.**

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.**

Кўплаб ўзбекча рақсларнинг ижрочиси. Хилма-хил рақс либосларини кийиб саҳнада хиром айлаган санъаткор Мукаррама Турғунбоева. юзлаб, минглаб ўзбек рақс ихлосмандларининг қалбидан жой олган сиймо.

Бугунги кунда унинг номи қолди. Бу сиймонинг ҳаётидан, ижодидан сўзловчи музей "Баҳор" концерт зали билан ёнма-ён эканлигини балки кўпчилик билмас.

## "БАҲОР"ГА ТАШРИФ

Халқнинг юрагига ўз рақслари билан кириб борган Мукаррама Турғунбоева эндиликда ҳам ўз мухлислари қалбида яшамоқда. Унинг музейига санъат ихлосмандлари тез-тез ташриф буюришади. Яқинда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг 100 га яқин талаба-ёшлари ҳам музейга келиб кетишди. Эл назарига тушган сиймонинг ҳаётидан бой маълумотларни олиб қайтган ёшларнинг таъбир жоиз бўлса, маънавий дунёси бойиди.

**МУХБИРИМИЗ**

*Ўшанда Михаил Пацкони Саратовнинг "Сокол" жамоасига сотишда футболчи учун олинган пул клуб хазинасига эмас, балки Якубовскийнинг Латвиядаги ўз ҳисобига келиб тушганди.*

*"Фуқароларнинг ҳуқуқлари" дарсини ўтаётган профессор талабаларга мавзуни тўлақонли, батафсил етказиш мақсадида ана шу мисолни содир этган эди.*



## Ma'rifatsiz kishilar

### ИМТИҲОННИ ТЕРГОВЧИГА ТОПШИРАЯПТИ

Талабалар орасида машина ҳайдашга қизиқувчилар ҳам учраб туриши сир эмас. Бироқ, улар ўзлари машина олгунча ёки отаси олиб бермагунча сабр қилишмас экан, Навоий педагогика институти 1-курс талабаси 1981 йилда туғилган Б.Саидовнинг ҳолига тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Хўш, Б.Саидов нима қилибди, дерсиз?

Қисқаси, Навоий шаҳрида ўзининг "Дамас" машинасидан айрилиб қолган, Навоий туманининг Ҳазора жамоа хўжалигида яшовчи Х.Уринов зудлик билан бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар беради.

Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлардан сўнг ушбу машинани Б.Саидов олиб қочганлиги маълум бўлади.

Хуллас, бировнинг машинаси билан узоққа бориб бўлмаслигини билган бу йигит, энди талабалар сафидан кетиши аниқ. Чунки, унинг пешонасига "ўғри" деган тамға босилай деб турибди. Албатта, бу суддан сўнг маълум бўлади. Ҳозир эса у машинани нима учун ҳайдаб қочгани юзасидан тергов бермоқда.

### ҚАРИГАНДА БУ КЎРГИЛИК

Жаҳл чиқса ақлга жабр. Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги Абай ширкат хўжалигида яшовчи, "Дониёр" хусусий фермер хўжалиги қоровули, 1938 йилда туғилган Н.Тимошенко ўзини босиб олса бўларди. Афсуски, у жаҳлни жиловлаш ўрнига В.Укибоев кўчасида яшовчи, агросаноат коллежи ўқитувчиси 1970 йил туғилган А.Алихонов билан жанжаллашиб қолгач, баттар авжига чиқди. Болам тенги бола билан жанжаллашиб нимаям қилардим демасдан, қўлига паншахани олиб унинг қорнига тиқиб олгач, қўлига кишан тушадиган иш қилганини сезиб қолди. Аммо энди кеч. Афсусдан фойда йўқ.

Бироқ, яна бир ажабланарли томони, ҳар куни болаларга уришманглар, жанжаллашманглар деб юрадиган муаллимнинг ҳам бу отаси тенги одам билан ади-бади айтишганида. Мабодо у ўртада нима гап бўлганда ҳам: "Узр отахон, айб биздан ўтди", деб қўйганида, нафақат олам гулистон бўларди, балки ўзи ҳам бу ёруғ дунёда яшаб юрган бўларди.

Ҳозирда қотил ушланган бўлиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### ПАНЖАРАНИ ҚЎМСАГАН "БУҚАЛАМУН"

Яқинда амнистия туфайли озодликка чиққан Навоий вилоятининг Навоий туманида яшовчи Ж.Тўхтаев у яқинда Кармана туманида содир этган жинояти учун яна қора курсига ўтирадиган бўлди.

Негаки, бу йигит фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига яна текин даромадни қўмсаб қолди. Бировларнинг пешона тери эвазига топган пулларини бир зумда ўзиники қилиб олиш пайига тушган бу йигит Кармада яшовчи тижоратчиларни кузата бошлайди ва бир куни тижоратчи Р.Тўхтаеванинг уйини нишонга олади.

Опахон уйидан чиқиб кетгач, уйда қолган ўғли, Ф.Хўжаев номидаги 2-ўрта мактаб ўқувчиси, 9 яшар Б.Мансуровни шундай алдайдики, бола эмасми, унга лаққа тушади-қўяди. Осонгина уйга кириб олган бу туллак "буқаламун" сингари бошқа тусга кирадию, чорасиз қолган болани "ужас" кинолардаги қаҳрамонлар сингари бир пасда қўрқитиб ташлайди.

Хуллас, унинг бу ҳаракатлари уйдан ҳар хил заргарлик буюмлари ва пулларни олиб кетиш билан якун топмайди. Балки унинг яна панжара ортига "меҳмон"га келиши билан тугайди.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**ИИВ матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани**

## Mutaxassis maslahati

# КЎЗ ГАВҲАРИНИ АСРАНГ!

Кўз касалликлари билан нафақат катталар, балки болалар ҳам кўп азият чекишади. Ҳаётимизнинг гўзаллиги, унинг мазмуни шу нури гавҳаримизга боғлиқдир. Нега болалар ўртасида кўз касалликлари кўп учрамоқда. Кўз касалликларининг келиб чиқишига қандай омиллар сабаб бўлмоқда. Шу ва шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Республика кўз касалликлари шифохонасининг болалар бўлими мудири Абдуҳаким Акрамов билан суҳбатда бўлдик.

**— Баҳорда ва кузда болаларнинг кўз милклари қизариб шишишига ва кўпгина касалликлар юзага келишига қандай ҳолатлар сабаб бўлади?**

— Баҳорда болалар орасида энг кўп учрайдиган кўз касалликлари баҳорги катаракта касаллиги бўлиб, бу организмда кечадиган аутоаллерик жараёндир. Бу касалликнинг сабаби аллергия бўлиб, айниқса, қуёшнинг ультрабинафша нурлари кўпайган пайтда қўзғайди. Бунда боланинг кўзи қизаради, ачишиб, қичишади, ёруққа қарай олмайди. Шунда ота-оналар шифокорга мурожаат қилишлари керак. Даволаш натижасида кўздаги оғриқлар анча енгил тортади, лекин у келаси баҳорда яна қайталайди, шунинг учун бу касалликни йилда 2 марта даволаш шарт. Кузда биласизки, салқин тушади, ёғингарчилик бўлади ва кўпинча болалар бошяланг юради ва юпун кийинади ёки бир хил болаларда бод касаллиги қўзғайди. Шунинг натижасида кўз касалликлари келиб чиқади ёки қайталайди. Бод касаллиги қўзғаган пайтда кўзда ҳам ўзгаришлар бўлиб қизариши, оғриши, қичиши кузатилади. Шу пайтда биз болалар шифокорлари (педиатр) билан биргаликда ёрдам кўрсатамиз.

**— Бу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш йўллари қандай?**

— Кўзнинг 1500 мингдан ортиқ касаллик турлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос даволанади. Олдини олишнинг биринчи йўли, бу ота-оналар болаларининг шикоятига қулоқ солишлари, "Ойи, дада, кўзим оғрияпти ёки кўрмаяпти" деганда шифокорнинг кўригига вақтида олиб келишлари керак. Бизга охирги марта 5-6 нафар беморлар келишди, болаcи шикоят қилган пайтда эътибор бермаган. "Сен алдаяпсан", "ўтиб кетади" деб хафсала қилмаган. Бола шамоллаган ва бу касаллик кўзига таъсир қилган, натижада бемор кўра олмай қолиши билан бирга юра ҳам олмаган. Биз бу болаларни эндокринолог, неврапотолог, педиатр билан ҳамкорликда даволадик.

Кўз касалликларини даволаш усуллари жуда ҳам кўп. Бунга жарроҳлик йўли, дори-дармонлар физиотерапия ва бошқа усулларни мисол қила оламиз.

**— Танадаги бошқа аъзоларнинг касалланганлиги кўз хасталикларини ҳам келтириб чиқариши мумкинми?**

— Асосан буйрак, жигар хасталиклари, қандли диабет касаллиги, бош мия хасталиклари кўзга ўз таъсирини ўтказади. Биз унчалик ҳам хавфли деб ўйламаган, томоқ оғриғи— ангина ҳам таъсир қилиши мумкин. Томоққа йиринг йиғилса бу қонга ўтгандан кейин бод касаллигини чақиради ва кўзга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Сўнгги пайтларда қанд касаллиги анча ёшарди. Қанд касаллиги асосан қон-томир касалликлари натижасида келиб чиққани учун бу кўздаги нозик қон томирларига ҳам таъсир қилади.

**— Замонавий тиббиёт болалар кўзидаги туғма нуқсонларни ҳам даволай оладими?**

— 100 фоиз бўлмаса ҳам лекин охирги пайтда кўп туғма касалликларни даволай оламиз. Масалан, кўзга туғма парда тушган ҳолатда буни катаракта дейилади. Касалликни жарроҳлик йўли билан даволаш мумкин ёки кўзда босим билан туғилиш бу назда дейилади. Бундай вақтда, бола 1-1,5 ойлигида наздага қарши операция қилинади. Яна бир касаллик бор, бу туғма реценапация дейилади. Бу касалликка туғруқхоналарда ташхис қўйилади ва бизнинг бўлимимизга ётқизилади. Улар даволанади, лекин кейинчалик мунтазам кўз шифокорлари назоратида бўлишлари шарт.

**— Болалар ва ўсмирларда кўриш қобилиятининг пасайишига замонавий техниканинг таъсири қандай? Айниқса, компьютерларнинг?**

— Ҳозир болалар телевизор, видео ёки турли хил экран олдидаги ўйинларни кўп томоша қилишади. Буларнинг ҳаммаси ўз меъёридан ортиб кетса, албатта зарар қилади. Болалар экран олдида 2 соат, 3 соат, баъзан 4 соат танаффуссиз ўтиришади, бу кўзга жуда катта таъсир қилади. Телевизорни энг камида 2,5 метр узоқдан кўриш, қоронғи уйда умуман кўрмаслик керак. Телевизорни ҳар 2 соатда 10-15 минут дам олдириш зарур. Энди ҳозирги пайтда болалар компьютерда дарс қилишади, программалари қизиқарли, бусиз илож йўқ. Шунинг учун ундан фойдаланишдан аввал унинг ҳимоя экранига эътибор бериш керак.

**— Болаларнинг кўриш қобилиятлари пасайишининг олдини олиш чоралари борми?**

— Албатта бор. Компьютердан фойдаланганда нурни қайтариш учун оқ кийим кийиб ишлаш, кўз толиққанда компьютерни 15-20 дақиқага дам олдириш шарт. Охирги пайтда кўз толиқишини қолдириш мақсадида пластмас кўзойнаклар шифокорлар тили билан айтганда "очки тренажёрлар" ишлаб чиқарилган. Мана шу кўзойнакни нафақат болалар, балки, катталар ҳам ҳар куни ярим соат тақишса кўзларининг толиққани босилади. Бу кўзойнаклар орқали одамлар ўзларининг кўриш қобилиятларини ҳам текшириб бора олади. Чунки бу кўзойнакларнинг ичида жадвали бўлиб бу жадвал ёрдамида кўзнинг кўриш даражаси ўлчанади. Кўз шифокорлари буни боланинг ота-онасига тушунтириб қўйишса, оддий уй шароитида ҳам қилишлари мумкин. Бунинг учун биздан озгина эътибор ва кўзларимизни асраш талаб қилинади.

**Саноат МУХАМАДКУЛОВА**
**суҳбатлашди.**

# ЁШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

*Марказий ҳарбий спорт клубида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер А.С.Аронов хотирасига бағишлаб дзюдо кураши бўйича ўтказилган халқаро хотира турнирида республикамиз вилоятлари ҳамда Қозоғистон ва Тожикистон давлатларидан 300 нафарга яқин ўсмир қатнашди.*

*Икки кун давом этган қизғин ва муросасиз беллашувлар 10 ёшдан 13 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида иқтидорли спортчилар етишиб чиқаётганлигини кўрсатди.*

*Халқаро турнир якунларига кўра, республикамиз вакиллари энг яхши кўрсаткичларга эришишди.*

*Мусобақа чемпионлари ва совриндорларига тегишли диплом ва медаллар, эсдалик совғалари топширилди.*

# ЯШИЛ МАЙДОНДА ЎСМИРЛАР

**Душанба куни пойтахтимиздаги "Чилонзор" ва Марказий Ҳарбий спорт клуби ўйингоҳларида футбол мактаб-интернатлари ўртасида V республика финал мусобақалари бошланди.**

**Республика биринчилигида 1985-86 йилларда туғилган ўсмирлар беллашувларида Янгиер, Фарғона, Андижон, Шофиркон, Самарқанд ва Бухоро; 1987-88 йилларда туғилганлар ўртасидаги мусобақаларда Наманган, Фарғона, Андижон, Ғузор, Хоразм ва Бухоро мактаб-интернатлари тарбияланувчилари чемпионлик учун кураш олиб боришади.**

**5 ноябрь куни ҳар икки ёш гуруҳидаги командалар ўртасида учрашувлар бўлиб ўтди. Катта ёшдаги ўсмирлар баҳсида янгиерликлар Бухоро командаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Фарғона—Самарқанд командаси учрашувида 1:3 натижаси қайд этилди. Андижон—Шофиркон (0:2) беллашувида бухоролик ўсмирлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.**

**Кичик ёшдаги ўсмирлар ўртасидаги учрашувлар ҳам муросасиз курашлар остида ўтди. Наманган—Хоразм мактаб-интернати беллашувида наманганликлар рақиблари дарвозасига 3 та жавобсиз тўп киритишди. Андижон—Бухоро учрашувида 0:4 ҳисоби қайд этилди. Фарғона—Ғузор командалари баҳсида қашқадарёлик ёш футболчилар 0:2 ҳисобида ғалаба қозонишди.**

**Ҳафтанинг охиригача ҳар икки ёш гуруҳида V республика биринчилиги ғолиблари аниқланади.**

**Ёш футболчилар беллашувлари қизғин паллага кирди. Ғалаба иштиёқида тўп сураётган спорт учрашувлари ҳақида газетамизнинг кейинги сонида ҳикоя қиламиз.**

**F.МАННОПОВ**

## Xullas...

### ЎЗИНИ "ОҚЛАМАГАН" МИСОЛ

Профессор талаба қизнинг стулини тортиб юборди. Жабрланувчининг фиғони фалакка чиқди, аудиторияда, кўпчиликнинг орасида мулзам бўлган қиз ўқитувчига нисбатан жиноий иш қўзғатилишини сўраб, судга мурожаат қилди. Агар суд даъво аризасини ижобий ҳал этадиган бўлса, айбдор профессор қизга 5 миллион доллар тўлашига тўғри келади.

Хўш, ўзи нима гап? Ўқитувчининг атайлабдан бундай ҳаракатни содир этиши замирида нима гап бор? "Фуқароларнинг ҳуқуқлари" дарсини ўтаётган профессор талабаларга мавзуни тўлақонли, батафсил етказиш мақсадида ана шу мисолни содир этган эди.

Энди шўрлик ўзини "оқламаган" мисол учун хўп афсус чекмоқда...

### ЖАЗОИРДА 20 МЕТРЛИК ИЛОН

Шотландияликларнинг Нессиси бор, тоғли Ҳимолайда қор одам топилган, шимолликлар ҳам ўзларининг оқ айиқларига эга, австралияликларнинг кенгуруси... Бир сўз билан айтганда, ҳамма жой ўзининг нимаси биландир машҳур.

Аммо Жазоирнинг тилга тушган нимаси бор? Маҳаллий халқ кўпинча бунга жавоб тополмасди. Ниҳоят, жазоирликларнинг ҳам тили узун бўладиган бўлди.

Медеа тоғларидан топилган илон 20 метрдан кам бўлмаса керак. Ҳали унга ном ҳам қўйилмаган. Айтишларича, бу баҳайбат илонга на ўқ, на заҳар таъсир қилар экан? Худо билсин, у қанча ва қанақа егуликларни паққос туширади?

Қисқаси, энди жазоирликларнинг ҳам мақтанишга арзийдиган нарсаси топилди.

### ЧЎМИЛИШ КИЙИМИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Чўмилиш кийимларининг хотин-қизлар ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида ҳам тадқиқот олиб борилганига ишонмаслигингиз мумкин. Тиниб-тинчимаган олимлар шуни ҳам исботлашди.

Тажрибада қатнашишга розилик берган 300 нафар эркак ва аёлнинг тест натижаларида кескин фарқ кузатилди. Эркаклар хоҳ костюм шим, хоҳ чўмилиш кийимида бўлсин, натижа юқори. Аёллар эса чўмилиш кийимида синаб кўрилганида, бошанг кийиниб юрган пайтига нисбатан энг паст баллага эга бўлишди.

"Sun" газетасида ёзилишича, чўмилиш кийимидаги аёллар ақлий фикрлаш эмас, балки ён-атрофдагиларда қоматлари қандай taассурот қолдириши ҳақида кўпроқ ўйлар эканлар.

**ana shunaqa gaplar**

## Sport maydonchasi

### УЧ ЙЎНАЛИШДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Шанба куни Лас-Вегас рингларида бўлиб ўтган жангда россиялик боксчи Константин Цзю икки раунд мобайнида америкалик Заб Жудани накаут ҳолатида енгиб, жаҳоннинг ўрта вазнли профессионал боксида мутлақ ғолиб бўлди. Шу билан бирга бокснинг уч WBC, WBA ва IBF йўналишида 63 кг вазнлилар ичида ҳам жаҳон чемпиони деган номни қўлга киритди.

### МУХЛИСЛАР УЧУН ЯНГИ ҚОНУН

Япония парламентининг юқори палатаси ЖЧ—2002 га хулқи бузуқ мухлисларни қўймаслик учун, имиграция қонун-қоидаларига киритилиши лозим бўлган ўзгартиришни қабул қилди. Агарда бу қарорни парламентнинг қуйи палатаси ҳам қабул қилса, у ҳолда футбол бўйича ўтказиладиган мусобақаларда тартиббузарлик қилган мухлислар фанатликдан маҳрум бўлади.

### ҲАКАМ СУДЛАНМОҚДА

ФИФАнинг беллоруссиялик ҳакками Геннадий Якубовский яқин кунларда Минск шаҳрида суд қилинади. Унга жиноят кодексининг учта моддаси бўйича айб қўйилганди. Тергов ишлари 2000 йил кузида бошланган эди. Ўшанда Михаил Пацкони Саратовнинг "Сокол" жамоасига сотишда футболчи учун олинган пул клуб хазинасига эмас, балки Якубовскийнинг Латвиядаги ўз ҳисобига келиб тушганди.

### ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги МҲСК мажмуида ўсмирлар ўртасида олти вазн тоифасида курашнинг дзюдо тури бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Бунда ҳамюртларимиз билан бир қаторда МДҲ давлатларидан келган 300 нафар ёш спортчилар ҳам иштирок этишди. Унда умумжамоа ҳисобида ғолиблик "Ўзбекистон" терма жамоасига насиб этди.

### "ЛИВЕРПУЛ" "МАНЧЕСТЕР-ЮНАЙТЕД"ни ДОҒДА ҚОЛДИРДИ

Якшанба куни "Манчестер-Юнайтед" жамоасига қарши майдонга тушган "Ливерпул"ликлар биринчи дақиқаданоқ ташаббусни қўлга олди. "Манчестер-Юнайтед" дарвозасини Майкл Оуэннинг биргина ўзи икки марта ишғол қилди. Учинчи гол муаллифи эса Эмиль Хески бўлди. Ўйин 3:1 ҳисобида "Ливерпул" жамоаси фойдасига ҳал этилди.

## Ta'kid

**Яқинда бир тадбиркор билан суҳбатлашдим. Ундан "Ҳозирги кунда энг яхши даромад манбаи нима?" деб сўраганимда, "Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш,—дея жавоб берди. — Аввало бугунги кунда уларни ҳар ерда, ёшу қари баравариға истеъмол қилаяпти. Бундан ташқари, улар тез айнимайди, истеъмол муддати чекланмаган ва ташишга, сақлашга қулайдир. Шунинг учун ҳам бундай маҳсулотлар билан савдо қилсам бозорим касод бўлмасмикан, — деган қўрқув бўлмайди".**

**Мени бу жавоб чуқур ўйга толдирди. Бу разил, динимизда "ҳаром" деб таъкидланган, маданиятимизда йўқ иллат бугун қандай қилиб бунчалар сердаромад, бунчалар оммабоп бўлиб қолди?**

# ОГОҲ ЭЛНИНГ ЭРТАСИ ОБОД

**Архив материалларида қайд этилишича, 1882 йилда Тошкентга келган швейцариялик сайёҳ Генрих Мозер Туркистон генерал-губернатори Черняевдан: "Туркистон қачон оврўполашади?" деб сўраганида, "Маҳаллий аҳоли бизнинг тамакимизни чекиш ваароғимизни ичишга ўргангач", деган жавобни эшитади.**

**Демак, бу иллат мустабид тузум "даҳо"ларининг ўз мақсадлари йўлида қилган ёвуз саъй-ҳаракатларининг оқибати экан-да! Хўш эски тузумнинг барча қинғирликлари фош этилиб, уларга қарши курашилаётган Истиқлол кунларида маънавиятимизни булғайдиган, руҳимизни қорайтирган бу иллатни йўқотиш мумкинми?**

**Бугун қайси дўконга кирманг, минг хил навдаги ароқлар, коньяклар, шампану винолар, чиройли қутичаларда терилган, кўзни қамаштирадиган сигареталар тадбиркорларнинг чўнтагини пулга тўлдирмоқда. Ҳаттоки, майда-чуйда, сақич, қурту писта билан кўча- кўйда, бекатларда савдо қилаётган тадбиркорларнинг пештахталарида ҳам сигареталар бисёр. Телерадио каналларида, кўчаларда тамаки маҳсулотларини татиб кўришга даъват этаётган рекламаларни айтмайсизми... Энди айтинг-чи, бу ҳол ўсиб келаётган ёш авлодга таъсир этмай қоладими? Буларга чек қўйиш вақти қачон келади? Пайғамбаримиз ҳадисларида "Ичкилик хорлик келтиради", деган битик бор. Тиббиёт илмида ҳам бу эътироф этилган. Ҳаёт тажрибасидан ҳам ичкилик ва кашандалик охири хорлик олиб келишини биламиз. Биламизу, лекин, бепарвомиз. Давр огоҳликни талаб қилаётган экан, бизда нафақат халққа, давлатга қарши, ўз ғаразли мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган айрим тўдалардан, турли-туман ноқис мафкуралардан, балки соғлом авлод етиштириш йўлида ғов бўлиб турган, юқорида қайд этилган иллатлардан ҳам огоҳ бўлишимиз даркор. Келинг, бу иллатларга бепарволик кайфиятини бартараф этиб, ўзимизни, фарзандларимизни, келажагимизни хор-зорлик фожеасидан асрайлик.**

**Отабек НУРИТДИНОВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети толиби**

## QUTLOV



**Ҳурматли устозимиз Давлатали Турдиев!**

*Сизни қутлуғ 55 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Келгусидаги педагогик ҳамда оилавий фаолиятингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз. Бизнинг бахтимизга доимо соғ бўлинг.*

**Поп туманидаги 35-ўрта мактаб жамоаси**


# ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти умумтаълим мактаблари учун дарсликлар чоп қилиб, савдога чиқарди. Азиз ота-оналар ҳамда ўқувчилардан дарсликларни нашриёт ва "Ўздавкитобсавдо"дан харид қилишларини илтимос қиламиз:**

1. А.Мансуров ва бошқалар.. "Мусиқа", 5-синф.
2. У.Жўраев ва бошқалар. "Жаҳон тарихидан ҳикоялар", 5-синф.
3. С.Бегматов ва бошқалар. "Мусиқа", 6-синф.
4. О.Иброҳимов ва бошқалар. "Мусиқа", 7-синф.

*Китоблар номинал нархдан сотувчи-тадбиркорлар учун 25 фоиз чегириб ташланган ҳолда берилади. Чунончи "Мусиқа" (5-синф) 471 сўм баҳоланган бўлса, тадбиркорларга 353 сўмга сотилади.*

**Шунингдек, мамлакатимиз шонли мустақиллигининг 10 йиллигига аталган совға китоблари ҳам чоп қилинди:**

1. В.Тюриков, Р.Шоғуломов. "Истиқлол йилномаси".
2. Жамоа. "Истиқлолим — истиқболим". Шеърлар.
3. Жамоа. "Истиқлол илҳомлари". Шеърлар.
4. Жамоа. "Мустақиллик тароналари". Қўшиқлар.
5. Муртазо Қаршибой. "Янгиланишдан — буюк ўзгариш сари".
6. Равшан Ҳакимов. "Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти".
7. Жамоа."Замон руҳи". Публицистика.
8. Жамоа. "Голос сердца". Шеърлар.
9. Аҳмад Хўжа. "Садоқат чашмаси". Шеърлар.
10. Ҳабиб Саъдулла. "Шукрона". Шеърлар ва достон.

**Умуман нашриётда қуйидаги китоблар савдога чиқарилди.**

1. Ҳамид Зиёев. "Тарих — ўтмиш ва келажак кўзгуси".
2. Р.Шоғуломов, В.Тюриков. "Аёл — муқаддасан".
3. Анатолий Бауэр. "Мужское несогласие".
4. А.С.Пушкин. "Танланган асарлар".
5. Нарзулла Жўраев. "Агар огоҳ сен..."
6. Сухроб Муҳамедов. "Блеск ложной звезди".
7. Тўлқин Эшбек. "Адашган қиз қисмати".
8. Гулчеҳра Жўраева. "Йилларим — йўлларим".
9. И.Сулаймонов. "Замондошларим".
10. Иброҳим Ҳаққул. "Аҳмад Яссавий".
11. Искандар Раҳмон. "Асолат юлдузи".
12. Н.Боқий, Ҳ.Ҳамидов. "Мени ёд эт" (Фахриддин Умаров ҳақида).
13. Ошиқ Эркин. "Меҳринг тушди юракка".
14. Рамз Бобожон. "Юсуф ва Зулайҳо".
15. Гулжаҳон. "Кўнгил мулки".
16. А.Асомиддинов. "Алп Жамол ҳақида хотиралар".
17. Жонибек Субхон. "Оққан дарё оқаверади".
18. А.Авлоний. "Юрак мавжлари".
19. А.Махсумов. "Қанотли миш-мишлар".
20. Тўплам. "Адабиёт — руҳият мулки".
21. Омон Матжон. "Ардахива".
22. Н.Ғойипов. "Амир Темур даври маънавияти".
23. Муҳаммад Юсуф. "Ўзингдан қўймасин, халқим".
24. В.Тюриков. "Думай, думай, ещё раз думай".
25. Ж.Сувонова. "Мен сиғмаган дунё".
26. С.Маҳкамов, К.Норматов, А.Мансуров. "Меросдан фойдаланиш тажрибасидан".
27. Тўплам. "Зулфиянинг қизлари".
28. Чингиз Айтматов. Чингизхоннинг оқ булути".

***Янги ўзбек алифбосида:***

1. Мирмуҳсин. "Бахтли авлод".
2. Мавлон Икром. "Овчининг саргузаштлари".
3. Шавкат Раҳмон. "Ўзбекнинг қора кўз болалари".
4. Назармат. "Замин чиройи".

***Плакат-портретлар:***

А.Навоий, А.Қодирий, Ғ.Ғулом, Зулфия, А.Авлоний, М.Али, Ў.Ҳошимов, С.Аҳмад, А.Орипов, Э.Воҳидов, Ж.Жабборов, Ойдин Ҳожиева, А.Суюн, Н.Фозилов.

**Ушбу китобларни нашриётдан, "Ўздавкитобсавдо"дан харид қилишингиз мумкин.**


1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юрти кутубхонаси мудираси Саида Муҳидова ва унинг оила аъзоларига падари бузруквори

**ЎРМОН ота**нинг

вафот этганлиги сабабли чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ таълими вазирлиги Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази жамоаси Бош директори вазифасини вақтинча бажариб турувчи Шерали Муҳаммадиевга волидаи муҳтарамалари

**Зарбуви ХОЛМАТОВНА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Ma'rifat**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган. ИНДЕКС: 149, 150. Г-3017. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.